Соҳага бахшида умр

// 21.05.2025
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/sohaga-bahshida-umr

Май ойининг сўнгги якшанбаси Кимёгарлар куни сифатида кенг нишонланади. Байрам муносабати билан узоқ йиллар давомида мамлакатимиз кимё саноати ривожи учун фидокорона хизмат қилиб келаётган “Ўзкимёсаноат” АЖнинг фидоий мутахассислари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Евгений Александрович Коржиков – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари. Меҳнат фаолиятини 1986-йили “Навоийазот” корхонасида ишлаб чиқариш бирлашмаси таъмирлаш-механика цехи токари сифатида бошлаган. Евгений Александрович токарликдан кенг кўламли лойиҳалар раҳбарлигигача бўлган узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган.

Айни кунларда жамиятнинг бутун кимё тармоғини ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш ва замонавий ишлаб чиқаришларни ишга тушириш масалалари учун масъул. “Ўзкимёсаноат” АЖ жамоаси Евгений Александровични ўз касбининг моҳир устаси ва билимдони, адолатли раҳбар ва самимий инсон сифатида билади. Евгений Александровични касб байрами билан самимий табриклаймиз ва келгуси ишларига улкан муваффақиятлар тилаймиз!

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати